

Ҳужжат имзоланган:

сана: 2022.06.23 15:08:57
серия рақами: 778a3b8e
компания: МАРКАЗИЙ КАСАЛХОНА
СТИР: 200914296
фиш: АТАНИЯЗОВ ХУРШИД

сана: 2022.06.23 15:12:27
серия рақами: 77bd6ffb
компания: NO'KIS CAPITAL REMONT MCHJ
СТИР: 302645556
фиш: АВАТОВ МАХСЕТ



11ECF2DC795DA5A2BD201E0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Etказиб берувчи	ЭТТБ	Сотиб олувчи:	"NO'KIS CAPITAL REMONT" MCHJ
СТИР	200914296	СТИР	302645556
Манзил	РЕСП. КАРАКАЛПАКСТАН ЭЛЛИККАЛИНСКИЙ РАЙОН УЛ. ХАЛКЛАР ДУСТЛИГИ	Манзил	ЎРЕК ЈОЛИ, 30, 70

Ҳужжат ҳақида маълумот

Ҳужжат номи	ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
Ҳужжат рақами ва санаси	№ 2022-1775-13-194-ТВ дан 23.06.2022
Шартномага	№ 1 дан 23.06.2022

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

2022 й. «23» 6

2022-1775-13-194-ТВ-
сон

Элликқалъа тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тиббиёт бирлашмаси номидан номидан **Низоми** асосида иш кўрувчи **бошлиғи Х.Атаниязов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “NOKISKAPITALREMONТ” **МЧЖ** номидан **Низоми** асосида иш кўрувчи **раҳбари М.Абатов** иккинчи томондан **Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Думанқалъа КВП биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш** объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:
ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сипови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар -сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Думанқалъа КВП биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори **15.06.2022 йилги лот рақами 22110012101942-сон баённома** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва

ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **480 000 000 (тўрт юз саксон миллион) сўми** ташкил этади. **ҚҚС 62608695,65 (олтмиш икки миллион олти юз саккиз минг олти юз тўксон беш) сўм 65 тийин.**

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг курилиши бир йилдан ортққа ўзгартирилганда;

5. Курилиш муддати бир йилдан ортқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оғборга жойлаш ва сақлаш;

Курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш ;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **20** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш 50-кун (жадвалига мувофиқ) амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказиши, бу 144 000 000 (бир юз қирк тўрт миллион) сўм 00-тийинни ташкил этади, қолган 70%, яъний 336 000 000 (уч юз ўттиз олти миллион) сўм 00-тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўллашладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли стказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

27.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28.Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) хақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

XII.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII.КОРРУПЦИЙАГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

30.Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни қафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши ва зиганорасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳарқандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31.Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ватарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32.Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайди.

33.Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя етилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XIV.АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35.Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб,молия йили даври **2022 йил 31 декабр**гача ўз кучида қолади.

36.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37.Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

ХII.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Пудратчи”

ООО «NOKIS CAPITAL REMONT»

х/р: 20208000900235303001

АКБ «Қишлоққурилиш банк»

Қарақалпоғстан Республикаси
филиали

МФО: 00588

ИНН: 302645556

Директор

М.Абатов



“Буюртмачи”

Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Бўстон ш Семашка № 1 уй

х/р: 401722860352507072130054004

Банк: Марказий банк Тошкент ш

МФО: 00014

ИНН: 200 914 296

ОКОНХ: 91511

Х.Атапиязов



(имзо)

муҳр



4.1. Loyiha bo'yicha taklif va o'ltiradilar:

Mazkur shartnoma loyihasiga asoslanib, "NOKIS CAPITAL REMONT" yil ichidagi shartnoma bo'yicha "Pudrat"ni tomonidan bajarilgan tanlov savdosida erishilgan natijalar komissiyasining qarori 2022-yil 15-iyundagi so'z bayonnomasi bilan ma'qullangan. Ushbu qiyosat bo'yicha solhiqlar, yig'indilar va qo'shimcha umumiy 480 000 000 (to'rt yuz sakkiz million) so'z bo'yicha, Shundan O'G 270 000 000 (to'rt o'n ikki million) s'z sakkiz ming o'n yuz to'rt yuz so'z 65 tiyin to'rt o'n ikki ming s'z bo'yicha.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustdagi 336-son yuriduvchi sub'ektlar faolligining shartnomasiga asoslanib, huzurda keltirilgan O'zR 177-1-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2018-yil 23-avgustdagi "Davlat xaridlari to'grisidagi QO-284-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "Davlat xaridlari to'grisidagi qonunlar va qo'shimcha chora-tadbirlari to'grisidagi PQ-3953-son qarari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi "Shartnomaliy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisidagi PF-0313-sonli farmoiga asoslanib;

Elikqal'ya tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadida muvofiq.

Markaz boshlig'i

A. Kadirov

22.06.2022-yil



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan Tibbiyot birlashmasi nomidan nomidan Nizomi asosida ish ko'ruvchi boshlig'i X.Ataniyazov bir tomondan va keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan "NOKISKAPITALREMONT" MChJ nomidan Nizomi asosida ish ko'ruvchi raxbari M.Abatov ikkinchi tomondan Ellikqal'a tumani tibbiyot birlashmasiga qarashli Dumanqal'a KVP binosini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish ishlarini olib borish va obektni foydalanishga tayyorholda qurishga doir pudrat shartnomasi loyihasi to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 21-iyunda ishlab chiqqan va dasturga 2022-yil 21-iyunda kiritilgan. Shartnoma loyihasiga "NOKISKAPITALREMONT" MChJning guvoxnomasi va tanlov komissiyasining 2022-yil 15-iyundagi lot-22110012101942--sonli va bayonnomasi ilova qilingan.

4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:

Mazkur shartnoma loyihasiga asosan "NOKISKAPITALREMONT" MChJ tomonidan shartnoma bo'yicha Pudratchi tomonidan bajarilgan tanlov savdosi natijasida aniqlangan tanlov komissiyasining qarori 2022-yil 15-iyundagi sonli bayonnomasi bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalar umumiy 480 000 000 (to'rt yuz sakson million) so'mni tashkil etadi. Shundan QQS 62608695,65 (oltmish ikki million olti yuz sakkiz ming olti yuz to'qson besh) sum 65 tiyin tashkil etishi belgilangan.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida»gi O'RQ-670-1-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi O'RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PQ-3953-son qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PF-6313-sonli farmoniga asoslangan.

Ellikqal'a tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



A.Kadirov

22.06.2022-yil